

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 12-сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: **Н.Юсунов**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида халқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.12.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 12**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



саралаб-саралаб танлайди, уларни бир матнга боғлайди, ва мураккаб, қўпқаватли бадиий матнда атоқли отнинг функционал аҳамиятини яққол сезиб туради, мазмуний ва услубий коннотацияни яратади. Уларни тўғри қўллаш – ёзувчи маҳоратининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ажеж К. Человек говорящий. Вклад лингвистики в гуманитарные науки. Перевод с французского. - Москва, 2003. -с. 44.
2. Воробьев В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания. Тверь: Тверской государственный университет. 2001. - с.103.
3. Телия В.Н. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. - М.: Обнинск, 1995. - с.89.
4. *Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного.* - Москва, 1990.
5. Худойберганаева Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтомларининг изоҳли луғати. – Т.: Турон замин зиё, 2016. – 125 б.

“ТАРЖУМОН ТУРКИЙ ВА АЖАМИЙ ВА МУҒУЛИЙ ВА ФОРСИЙ” ҚЎЛЁЗМАСИ ХУСУСИДА

Жафаров Ботир Саттарович

Наманган давлат университети доценти, ф.ф.д. (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада XIV асрда яратилган туркий тематик луғатлардан бири бўлган “таржумон туркий” қўлёзмасининг таркиби унда берилган луғатнинг ўзига хослиги ва унинг таркибий қисмлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Тарих, қўлёзма, луғат, туркий, арабча, муғулча, форсча, феъл, замон, қўшимча, кутубхона.

О РУКОПИСА ТУРКСКИХ И АДЖАМИЧЕСКИХ И МОНГОЛЬСКИХ И ПЕРСИДСКИХ ПЕРЕВОДЧИКАХ

Жафаров Ботир Саттарович

доцент Наманганского государственного университета

Аннотация: В статье исследуется специфика словаря и его составных частей в составе рукописи «Турецкий переводчик», одного из тюркских тематических словарей, созданных в XIV веке.

Ключевые слова: история, рукопись, словарь, тюркский, арабский, монгольский, персидский, глагол, время, наречие, библиотека.

ABOUT THE TURKISH AND AJAMIC AND MONGOLIAN AND PERSIAN TRANSLATORS MANUSCRIPT

Jafarov Botir Sattarovich

Associate Professor of Namangan State University (PhD)



Annotation: *The article examines the specifics of the dictionary and its components as part of the manuscript "Turkish translator", one of the Turkic thematic dictionaries created in the XIV century.*

Key words: *history, manuscript, dictionary, Turkic, Arabic, Mongolian, Persian, verb, tense, adverb, library.*

Бугунги кунда юртимиз тарихи, аждодларимиз даҳоси билан яратилган илмий ва адабий меросларимизнинг барча жабҳаларига тегишли бўлган қўлёзмаларни ҳар томонлама чуқур ҳамда холисона тадқиқ қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Зеро, аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда дунёнинг турли кутубхоналарда сақланаётган обидаларимизни келажак авлодга етказиш, уларда акс этган маънавият шарчашмаларини ёшларимиз онгига теранроқ сингдириш бизга янада кўпроқ маъсулият юклайди. Бугунги кунда Ўзбекистон маданий меросини дунё тўпламларида намойиш этилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Президентимизнинг "Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо меросини, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасаротини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак" деган таъкидлари нақадар ўринли эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Туркий қўлёзмалар ичида XIV асрда китобат қилинган туркий луғатчилик анъанасини ўзида мужассам этган, туркий халқларнинг араб алифбосида яратилган ва бугунги кунда Голландиянинг Лейден кутубхонасида № 517 каталог рақами билан сақланаётган "Таржумон туркий ва ажамий ва мўғулий ва форсий" қўлёзмаси алоҳида аҳамият касб этади.

Қўлёзманинг Голландиядаги Лейден кутубхонасида сақланаётган нусхаси нодир нусха ҳисобланади. Голландиялик шарқшунос ва исломшунос олим Рейнгарт Дозининг таъкидлашича, Оксфордда мазкур қўлёзманинг яна иккига нусхаси мавжуд[5.Б-110].

Қўлёзма илмий жамоатчиликда "Таржумон туркий" номи билан юритилади. У 76 қўлёзма варақдан иборат бўлиб, унинг 62 варағи туркча-арабча, 63 варақдан 67 варақнинг 4-сатригача мўғулча-форсча луғат, 67 саҳифанинг 5-сатридан 74 саҳифанинг 8-сатригача арабча мўғилча луғат, 74 саҳифанинг 8 сатридан 75 саҳифанинг 1-8 сатрларида 11 та эркак ва 6 та аёлларнинг исмлари, 75 саҳифанинг 8 сатридан 75 саҳифанинг иккинчи қисмигача туркча сўзлашув луғати ўрин эгаллаган.

Қўлёзма муаллифи ҳақида турли ҳил қарашлар мавжуд. Жумладан, Платон Михайлович Мелиоранский[2] ҳамда Мехмет Фуод Купрулизода[7] асар Муҳаммад ибн Қайснинг қаламига мансуб деб таъкидлашган бўлса, Абдуқодир Инон асарнинг муаллифи ёки уни кўчирувчи – хаттот ўғиз-туркман тилида сўзлашувчи куниялик Ҳалил ибн Муҳаммад ибн Юсуф эканлигини айтиб ўтади[6.Б-53-71]. Туркийшунос олима Зелиха Мухамедова Ҳалил ибн Муҳаммад қадимги Рим салжуқийлар авлодига мансуб эканлигини ҳамда у мазкур қўлёзмани бошқа бир нусхадан кўчириб олганлигини айтади[1]. Қитоб хотимасида: "Мазкур китоб битган худонинг камтар бандаси Ҳалил ибн Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Қуванийдир" деган ёзув мавжуд. Қўлёзма хотимасидаги ёзувга таянадиган бўлсак, унинг муаллифи Ҳалил ибн Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Қуваний эканлиги англашилади.

Аммо шуниси равшанки, муаллиф туркий тилларни ва уларнинг диалектларини, шунингдек, араб, форс ва мўғул тилларини ҳам яхши билган. Мисрнинг юқори Саиди ва



Суриянинг Баълабакка шаҳрида яшовчи авом халқнинг талаффузидаги фарқни далил қилиб кўрсатишича, асар Миср ёки Сурияда ёзилган деб фараз қилинади[4.Б-7].

Асар 76 саҳифадан ташкил топган бўлиб унинг 62 саҳифаси туркий- арабча луғат, қолган қисми эса мўғулча-форсча ҳамда арабча-мўғилча луғатдан таркиб топган. Қўлёзма кириш ва тўртта асосий қисмга бўлинади.

Қўлёзманинг биринчи саҳифасидаги сарлавҳа остида бошқа имло билан битилган бир ёзув мавжуд бўлиб, бу ёзувда “Мазкур асар қози Мавлоно Камолиддин кутубхонасига тегишли” эканлиги қайд этилган. Аммо мазкур қайд қўлёзма бўйича тадқиқот олиб борган туркийшунос олим Абжан Қуришжоновнинг таъкидлашича на у томонидан на қўлёзма бўйича биринчи бор филологик тадқиқот олиб борган Т.Хоутсма томонидан ўрганилган[4.Б-15].

Асарнинг биринчи қисми “Фақат исмлар ҳақида” деб номланган бўлиб, у 26 фаслни ўз ичига олади. Мазкур фаслларнинг баъзилари ўз навбати бир неча майда фаслларга бўлинади. Туркийшунос олим Абжан Қуришжонов фасллар ичидаги кичик бўлимларни ҳам ҳисобга олиб ҳолда асарнинг биринчи қисмини 41 фаслдан иборат эканлигини кўрсатган[3.Б-13].

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи фасл: Осмон ва унга тегишли нарсалар исми ҳақида.

Иккинчи фасл: Ер ва ундаги жойлар ҳақида.

Учинчи фасл: Сув ва ундаги нарсалар ҳақида.

Тўртинчи фасл: Дарахтлар, мевалар ва бошқа ўсимликлар ҳақида. (*Мазкур бўлим яна бир фаслга бўлинади ва унда “сабзавоб, полиз ўсимликлари, ўт-ўлан ва уларга яқин нарсалар” берилган*).

Бешинчи фасл: Экин⁴⁶ ва донлар ҳақида.

Олтинчи фасл: Қушлар ва уларга ўхшаш нарсалар ҳақида.

Еттинчи фасл: Йиртқич ҳайвонлар ва уларга оид нарсалар ҳақида.

Саккизинчи фасл: Ҳашоротлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида.

Тўққизинчи фасл: Отлар, уларнинг тури ва ранги ҳақида. (*Мазкур бўлим яна икки фаслга бўлинади ва уларнинг биринчисида “отларнинг баъзи ҳаракатлари” ва иккинчисида эса “отларнинг ранглари” берилган*).

Ўнинчи фасл: От абзали, қурол-аслаҳа ва уруш асбоблари ҳақида. (*Мазкур бўлим яна икки фаслга бўлинади ва уларнинг биринчисида “от асбоблари” ва иккинчисида эса “уруш ва жангу-жадалга оид термин” берилган*).

Ўн биринчи фасл: Туя ва қорамоллар ҳақида. (*Мазкур бўлим яна бир фаслга бўлинади ва унда “қорамолларга оид маълумотлар” берилган*).

Ўн иккинчи фасл: Қўй ва эчкилар ҳақида.

Ўн учинчи фасл: Озиқ-овқат ва сутлар ҳақида. (*Мазкур бўлим яна икки фаслга бўлинади ва уларнинг биринчисида “ичимликлар” ва иккинчисида эса “сут ва ундан тайёрланадиган нарсалар” берилган*).

⁴⁶ А.Юнусовнинг кўрсатишича матнда шундан кейин бу ерга алоқаси бўлмаган “ал-анхор - дарёлар” сўзи бор.



Ўн тўртинчи фасл: Уй асбоб-анжомлари, палос, аёлларга хос нарсалар ҳақида. (Мазкур бўлим яна икки фаслга бўлинади ва уларнинг биринчисида “**ошхона асбоблари**” ва иккинчисида эса “**аёлларнинг баъзи қийим-кечаклари ва безаклари**” берилган).

Ўн бешинчи фасл: Кийим-кечак, газмол, унинг хиллари ва турлари ҳақида. (Мазкур бўлим яна бир фаслга бўлинади ва унда “**лахтак ва газмол турлари**” берилган).

Ўн олтинчи фасл: Инсон қиёфаси, унинг ташқи ва ички аъзолари ҳақида. (Мазкур бўлим яна бир фаслга бўлинади ва унда “**ичаклар ва инсон таъна аъзоларининг ички қисмлари тўғрисидаги нарсалар**” берилган).

Ўн еттинчи фасл: Сон ва санок ҳақидаги нарсалар.

Ўн саккизинчи фасл: Одамларнинг мартабалари ва касб-корга оид терминлар ҳақида.

Ўн тўққизинчи фасл: Инсонларнинг сифатлари ҳақида.

Йигирманчи фасл: Турли нарсаларнинг номи ва уларнинг зидди ҳақида.

Йигирма биринчи фасл: Давр ва йил вақтлари ҳақида.

Йигирма иккинчи фасл: Мамлуклар (қуллар), чўрилар ва бошқаларнинг туркча исмларининг изоҳи ҳақида. (Мазкур бўлим яна бир фаслга бўлинади ва унда “**жория (чўри)ларнинг исмлари**” берилган).

Йигирма учинчи фасл: Ранглар ҳақида.

Йигирма тўртинчи фасл: Маъданлар ҳақида.

Йигирма бешинчи фасл: Қариндош-уруғлар, ёт-бегоналар ва танишлар, хўжа ва қуллар, бека ва чўрилар ҳақида.

Йигирма олтинчи фасл: дард-касалликлар ҳақида.

ИККИНЧИ КИСМ

Феълларнинг буйруқ майллари, буйруқ майлининг II шахс бирлик шаклига қўшиладиган “истироҳат” лафзи, улардан масдарлар ясалиши ва сўзларнинг келаси замонда қандай турланиши ҳақида. Булар алифбо тарзида берилган.

(ا) Алиф ҳарфлилар – 227 та сўз

(ب) Б ҳарфлилар – 10 та сўз

(ت) Т ҳарфлилар – 21 та сўз

(ث) С ҳарфлилар – 3 та сўз

(ج) Ж ҳарфлилар – 7 та сўз

(ح) Ҳ ҳарфлилар – 13 та сўз

(خ) Х ҳарфлилар – 12 та сўз

(د) Д ҳарфлилар – 12 та сўз

(ذ) З ҳарфлилар – 7 та сўз

(ر) Р ҳарфлилар – 4 та сўз

(ز) З ҳарфлилар – 4 та сўз

(س) С ҳарфлилар – 9 та сўз

(ش) Ш ҳарфлилар – 11 та сўз

(ص) С ҳарфлилар – 15 та сўз

(ض) З ҳарфлилар – 7 та сўз

(ط) I ҳарфлилар – 6 та сўз

(ظ) З ҳарфлилар – 2 та сўз

(ع) айн ҳарфлилар – 18 та сўз

(غ) Ғ ҳарфлилар – 10 та сўз



- (ف) ф ҳарфлилар – 9 та сўз
- (ق) қ ҳарфлилар – 18 та сўз
- (ل) л ҳарфлилар – 9 та сўз
- (م) м ҳарфлилар – 8 та сўз
- (ن) н ҳарфлилар – 7 та сўз
- (ه) ҳ ҳарфлилар – 5 та сўз
- (و) в ҳарфлилар – 3 та сўз

Ушбу қисмда жами 459 та сўз берилган.

УЧИНЧИ КИСМ

Феъл тусланиши

Ўтган замон феъллари ҳақидаги фасл

Келаси замон феъллари ҳақидаги фасл

Ҳозирги замон феълини тусланиши ҳақидаги фасл

ТЎРТИНЧИ КИСМ

Гап қоидалари

Туркчада эгалик маъносини биддирувчи *-ники*, ва жўналиш келишиги

-ги кўшимчаси ҳақида

Обиданинг мўғилча-форсча қисми охирида муаллиф томонидан ёзилган бир туркча ҳикоянинг бошланиши мавжуд. Ёзув эътиборсизлик билан битилган, баъзи жойларини ўқиш анча мушкул⁴⁷.

Қўлёзма тузилган манзида туркий халқларнинг қипчоқ, ўғиз, туркман элатлари яшаганликлари боис, унда уларнинг улар тилининг ўзига хос жиҳатлари акс этганлигини кузатиш мумкин. Қўлёзма муаллифи асарида кўпроқ қипчоқ тилига эътибор берганлигини айтиш баробарида йўл йўлакай ўғиз ва туркман тилларига оид лексик қатламни шаҳрлаб кетади. Муаллиф қипчоқ, ўғиз ва туркман тили ўртасидаги фонетик фарқларни муқояса қилишга ҳаракат қилади. У юқорида айтиб ўтилган тиллар ўртасидаги сингорманизм қоидаларини бузилишига алоҳида аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, бундай ўзгаришлар буйруқ-истақ майлининг II-шахс бирлик шакли аффексида яққон намоён бўлади⁴⁸.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур қўлёзма илк бор арабшунос, эроншунос ва тукийшунос олим Мартин Теодор Хоутсма томонидан немис тилида тадқиқ этилган. Хоутсма нашрига таянган ҳолда ўзбек олимни Абдулла Юнусов, қозоғистонлик олимлар Абжан Қуришжонов, Александр Гаркавец, рус олими Платон Михайлович Мелиоранский, турк олимлари Мехмет Фуод Купрулизода, Абдулқодир Инон, Басим Аталай, туркман олимаси Зелиха Мухамедова, ва бир қатор туркийшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган ва бу ишлар ҳалигача давом этмоқда.

Асарнинг бир неча тиллардаги таржмалари ва тадқиқотлари бўлишига қарамасдан, уларнинг қиёсий аспектда тадқиқ қилиш бизнинг келгусидаги режаларимиздан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

⁴⁷ Юнусов А. “Таржумон” XIV аср ёзма обидаси. “Фан”. Т., 1980., б. 5.



1. Мухамедова, З. Б. Исследования по истории туркменского языка XI-XIV вв. по данным арабоязычных филологических сочинений. АДД, М., 1969.
2. Мелиоранский, П.М. Араб-филолог о турецком языке : Арабский текст издал и снабдил переводом и введением П.М. Мелиоранский. — СПб. : тип. Имп. акад. наук, 1900. С. VIII.
3. Курьшжанов А. К. Исследование по лексике Тюркско-Арабского словаря. "Наука".1970 г., с. 13.
4. Юнусов А. "Таржумон" XIV аср ёзма обидаси. "Фан". Т., 1980., б. 7.
5. Dozy R.P.A. Catalogus Codicum Orientalium Bibliothecae Academiae Lugduno Batavae. E. J. Brill, 1851. No. CCXII. S. 110.
6. Inan A. XIII.-XV. Yüzyillarda Mısır'da Oğuz-Kıpçak Lehçeleri, s. 54; Inan A. XIII.-XV. Yüzyillarda Mısır'da Oğuz-Türkmen ve Kıpçak Lehçeleri ve "Halis Türkçe". Ankara: TDAYB. 1953., s. 53-71.
7. Köprülü M.F. harzemşahlar devrinde bir turk filologu muhammed bin kays esari, istanbul, 1943.

BADIIY TARJIMA VA IJODKORNING INDIVIDUAL USLUBI.

Mansurova Gulbahor Maxdievna

QarMI, nemis tili o'qituvchisi.

Eshmurodov Ural Xujanovich

QarDU, nemis tili o'qituvchisi.

Тел: +998914703637 e-mail: gulbahor@bk.ru

Аннотасија. Социалистик реализм методининг воқеликни ҳаққоний, тарихан аниқ, юксак г'ойавийлик ва тарбиявийлик каби принциплари yozuvchilar ijodida bir talay mushtarak xususiyatlarni yuzaga keltirgan. Ammo bu mushtaraklik hech qachon iqtidorli san'atkor ijodining o'ziga xosligini yo'qotmaydi, uni yorqin individual uslubdan mahrum etmaydi.

Калит со'злар: жанрлар ва поэтик формалари, бадий-таsviriy vositalari, лексик-фразеологик unsurlar, бадий shakl, komponentlar.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ПЕРЕВОД И ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ СТИЛЬ АВТОРА.

Мансурова Гульбахор Махдиевна

КарИЭИ, преподаватель немецкого языка.

Эшмуродов Урал Хужанович

КарГУ, преподаватель немецкого языка.

Тел: +99891 4703637 e-mail: gulbahor@bk.ru

Аннотация. Принципы метода социалистического реализма, историческая ясность, высокая идеология и педагогика, создали много общих черт в творчестве писателей. Но эта общность никогда не теряет оригинальности творчества талантливого художника, не лишает его яркого индивидуального стиля.

Ключевые слова: жанры и поэтические формы, художественно-изобразительные средства, лексико-фразеологические элементы, художественная форма, компоненты.

THE PROBLEM OF VOCATIONAL GUIDANCE IN THE COURSE OF TEACHING A FOREIGN LANGUAGE.